



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 42 (13.889)

Баҳоси эркин нарҳда

ҚУЛАЙ ВА ЖОЗИБАДОР БИЗНЕС МУҲИТИ – ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев жойларда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12-13 март кунлари Навоий вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи кунини Президентимиз Навоий шаҳрида вилоят иқтисодий ва саноат вазирлигининг раҳбарлари билан танишди. Улар билан вилоятда амалга оширилган ва амалга ошириладиган кўп сонли лойиҳаларни муҳокама қилди.

Давлатимиз раҳбари вилоятнинг комплекс ривожлантиришга қаратилган долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Қайд этилганидек, Навоий вилояти юртимиз саноатининг мустақам устуни бўлиб, унинг 10 фоиз маҳсулотини таъминлайди. Ислохотлар натижасида ўтган йили вилоятда инвестициялар 1,8 баробар, қурилиш ишлари 28 фоиз, хизмат кўрсатиш 12 фоизга ўсган. Шунингдек, қарийб 1 триллион сўм инвестиция ҳисобига 420 та ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилган.

Йиғилишда мавжуд резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани таъкидланди. Вилоят иқтисодиёти асосан бир неча йирик корхонага боғлиқ бўлиб қолгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етарли даражада ривожланмагани қайд этилди.

Вилоятда тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий туртки бериш учун шундай қулай ва жозибадор бизнес муҳитини яратиш керакки, нафақат маҳаллий, балки бошқа вилоятлар аҳолиси ҳам бу ерга келиб, тадбиркорлик билан шуғулланишга интилинсин. Бошқача айтганда, Навоий вилояти – тадбиркорлар вилоятига айланиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Навоий вилоятини экспортга йўналтирилган инновацион ва юқори технологияли ишлаб чиқаришлар бўйича эркин иқтисодий зонага айлантиришни таклиф қилди. Қайд этилганидек, бунинг учун Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида махсус комиссия тuzилиб, маъзур иқтисодий зона иштирокчиларига бериладиган имтиёз ва энгилликлар тизими белгиланди.

Йиғилишда инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги замонавий корхоналар ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Навоий вилоятида 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган умумий қиймати 26 триллион 368 миллиард сўмлик 511 инвестиция лойиҳасидан иборат дастур ишлаб чиқилгани маълум қилинди.

Маъзур дастур доирасида 1 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш, 17 минг 400 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, Навоий иссиқлик электр станцияси, “Қизилқумце-

мент”, “Навоийазот” акциядорлик жамиятлари ва бошқа тармоқларда 12 та йирик лойиҳа амалга оширилди.

Биринчи навбатда, Нурота, Хатирчи, Томди, Конимех каби ривожланиш даражаси паст бўлган туманларда янги саноат корхоналарини ташкил этишга устувор аҳамият қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Президентимиз Нурота туманидаги Ҳозор посёлкасида шаҳар мақомини бериб, уни пардоз тошлари казиб олиш ва ишлов беришга иқтисослаган саноат шаҳрига айлантириш таклифини илгари сурди. Гранит ва бошқа пардоз тошларини саноат усулида казиб олиш, ишлов бериш ва тайёр қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналаридан иборат кластер ташкил этиш бўйича қиймати камида 200 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича топширик берилди.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ ҳўжалигидаги имкониятларни ҳам таҳлил қилиб, пахтадан бўшаган майдонларда бозорбоп мева-сабзавот етиштириш, вилоятда томорқалардан самарали фойдаланиш ҳисобига қишлоқ аҳолисини банд қилиш ва даромадини ошириш, томорқаларга экин экишни давлат сисёати даражасига кўтариш, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қорақўл тери тайёрлашни кўпайтириш, экспорт ҳажминини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Мамлакатимизда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли ҳаёти сифатини, инвестиция иқлимини, ишчилар муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат хизматлари марказларида аҳолига тез, сифатли ва кенг турдаги давлат хизматлари кўрсатиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шавкат Мирзиёев фаоллар йиғилишидан сўнг Навоий шаҳар Давлат хизматлари маркази фаолияти билан танишди.

Марказда электрон навбат тизими жорий этилган, фуқароларга 100 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатилади. Нотариал хизматлар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш, паспортни расмийлаштириш, ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш ва бошқалар шу ернинг ўзида амалга оширилади.

Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида болалар майдончаси, кафе, мўтолаа хонаси, бепул Wi-Fi алоқаси ташкил этилган. Бу ерга келганлар улардан фойдаланаб, кутиш вақтини маъмурий ўтказиши мумкин.

Марказга келолмайдиган ҳамда олис овул ва қишлоқларда ашайдиган аҳоли учун махсус транспортларда жойларга чиққан ҳолда хизмат кўрсатилади.

Президентимиз марказ фаолияти билан танишар экан,

бундай марказларда асосий мақсад фуқароларни давлат идоралари фаолиятидан рози қилиш эканини таъкидлади.

Давлат хизматлари марказларида энг асосий талаб – муомала маданияти бўлиши керак. Бу ерга келган ҳар бир инсон муаммосига ечим, саволига жавоб топиши лозим. Барча ҳаракатларимиз ана шу мақсадга қаратилган, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Халқ қабулхонасининг марказдаги бўлимига кириб, ходимлар билан суҳбатлашди. Аҳоли қандай масалалар бўйича мурожаат қилаётгани билан кўзичиди.

Шу ерда Навоий вилоятида тадбиркорлик, кичик бизнес ва хунармандчиликни ривожлантиришга доир лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Хусусан, эксперимент тарихида “Навоий – тадбиркорлар вилояти” лойиҳаси амалга оширилди. Бунда қулайлик яратиш мақсадида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда давлат божи икки баробар камайтирилди. Қатор хизмат кўрсатиш соҳаларига имтиёзлар берилди.

Президентимиз давлат хизматлари марказда тадбиркорлар учун хизмат турларини кенгайтириш, хусусан, уларга ер ажратиш, қурилишга руҳсат олиш каби жараванларни интеграциялаш бўйича кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Навоий шаҳридаги 3-сонли ички ишлар бўлиминини бориб кўрди.

Президентимизга бу ерда яратилган шароитлар, маҳалаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди. Жорий йилнинг январь-февраль ойларида Навоий вилоятида жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 54 фоиз, Навоий шаҳрида эса 63 фоиз камайгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар билан мулоқотда аёлларнинг турмуш шароитини ўрганиб бориш, оғирини енгил қилиш зарурлигини таъкидлади.

Агар жамиятимизда адолатни қарор топтирмақчи бўлсак, аввало, хотин-қизларнинг ишончини қозонишимиз, уларни асрашимиз керак. Аёلнинг яшаш тарзи, дунёқараши оила муҳитини белгилайди. Бу фарзандлар тарбияси учун жуда муҳим, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ички ишлар бўлимидаги ситуацион марказни кўздан кечирди. Жамоат хавфсизлигини таъминлашга иқтисослаган дастурий маҳсулотлар яратиш, жиноятчиликни турлари бўйича таҳлил қилиб, уларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи якунланди.

УзА



МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хоразм вилоятидаги Халқ қабулхонасида Олий суд томонидан навбатдаги сайёр қабул ўтказилди. Қабул давомида 56 нафар фуқаро 14 та жиноят иши, 9 та маъмурий иш, 24 та фуқаролик иши ва 9 та иқтисодий иш бўйича мурожаат қилди. Уларнинг 14 таси назорат тартибиде шикоят сифатида қабул қилинди. Бундан ташқари, сайёр қабул доирасида жиноят ишлари бўйича 2 нафар судланувчининг иши қайта кўриб чиқилди ва улар суд залининг ўздаёқ озод қилинди. Битта фуқаролик иши юзасидан мурожаат муаллифининг талаби қаноатлантирилди.

Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда фаоллик кўрсатаётган профилактика инспекторлари, уларнинг ёрдамчилари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари моддий рағбатлантирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича вазифалар ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ушбу тадбир 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури мазмун-моҳиятининг жойлардаги тарғиботи ва ижросига бағишланди.

Андижон вилоятининг Шахрихон тумани “Бўстон” маҳалласида “Шукрона” клиникаси иш бошлади. Замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган шифохонада кардиология, неврология, травматология ва жароҳлик бўлимида беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шaroит яратилган бўлиб, бу ерда бир вақтинч ўзида 40 киши стационар тарзда даволаниши мумкин.

ЖАҲОНДА

Кеча Буюк Британия парламентининг жамоалар палатасида депутатлар томонидан Брексит масаласи кўриб чиқилди ва 321 та кўпчилик овози билан “Кескин Брексит”га, яъни ҳар қандай вазиятларда ҳам Европа Иттифоқи билан келишмаган ҳолда унинг таркибидан чиқиш мумкин эмаслиги ҳақида қарор қабул қилинди. Бугун мамлакат парламентида шу масала яна бир бор кўриб чиқилди ва овоз бериш натижаларига кўра Брексит жараёни 29 мартдан 31 июнга кўчирилиши мумкин.

Эфиопияда рўй берган 157 нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмган авиакатастрофадан сўнг АҚШ президенти Дональд Трамп мамлакатда “Boeing – 737 MAX 8” ва “Boeing – 737 MAX 9” самолётларининг парвозини тақиқлашга қарор қилди. Тақиқлаш жонқизи, бу “Boeing – 737 MAX 8” самолётининг сўнгги тўрт ой ичидаги иккинчи ҳалокати бўлиб, 2018 йилнинг 29 октябрида ҳам Индонезияда 189 киши ҳалок бўлган эди. Ушбу авиакатастрофаларнинг деярли бир хил эканлиги таъкидланмоқда.

Германиянинг ғарбий ҳудудларига “Эберхард” бўронининг хуружи натижасида поездлар ҳаракати тўхтатилди, кўплаб автобанлар ёпилди. Табиий офат бир кишининг ҳаётига зомин бўлди.

ЗАМОНАВИЙ ЛОГИСТИКА ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎПАЯДИ

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ва “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти саноатларининг “Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини оширишда замонавий логистика йўналишларини кенгайтириш масалалари тўғрисида”ги ахборотлари эшитилди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси ҳамда Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда парламент кўйи палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, партия марказий кенгаши аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Бугунги кунда фуқаро авиациясини ривожлантириш, шу жумладан, ҳаво кемалари паркинни янгилаш, парвозларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш, аэропортлар инфратузилмасини, ҳаво ҳаракатини бошқариш ва малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича изчил чоралар кўрилди. Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтириш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида 2018 йилда авиайўналишлар орқали маҳсулот экспорт қилиш географияси сезиларли даражада кенгайди.

Масалан, 2016 йилда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси орқали 800 тоннадан ортиқ қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ташилган бўлиб, шундан 75 фоизи Москва шаҳри йўналишига тўғри келади. 2018 йилда эса МАК рейслари орқали экспорт ҳажми 1 минг 850 тоннага етди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири бўлган темир йўл соҳасида ҳам истиқболли лойиҳалар бажарилмоқда. Жумладан, замонавий логистика хизматларини ривожлантириш, уларнинг сифатини ошириш ишлари тизимли амалга оширилмоқда. Тадбиркорларга қулайлик яратиш ва экспортга кўмаклашиш мақсадида юк жўнатувчиларга “Ягона дарча” тамойили асосида хизмат кўрсатиш, юкларни манзилларига етказиш муддатларини қисқартириш юзасидан имтиёзлар тақдим этилган.

Фракция аъзолари томонидан “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ янги логистика йўналишларини очиб, йўл харажатлари таннархини қисқартириш, соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш ва соҳада рақобатни ривожлантиришга етарли эътибор бераётганлиги танқид қилинди.

А. МУСАЕВ

2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида Ўзбекистон ҳукумати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасида ижтимоий ҳимоя йўналишида ҳамкорликни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган йўналиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари, БМТнинг Ўзбекистонга ривожланиш мақсадларида 2016-2020 йилларда кўмак бериш бўйича дастури (ЮНДАФ)нинг ижтимоий ҳимоя бўйича ишчи гуруҳи ҳамраиси Эркин Муҳитдинов, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари, БМТнинг Ўзбекистонга ривожланиш мақсадларида 2016-2020 йилларда кўмак бериш бўйича дастури (ЮНДАФ)нинг ижтимоий ҳимоя бўйича ишчи гуруҳи ҳамраиси Саша Грауманн ва бошқалар мамлакат тарихида аҳолининг барча қатламлари манфаатларини тўлақонли таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан барча жабҳаларда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотлар жараёнида аҳолининг, айниқса, кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, уларни аниқ ва кучли, манзилли тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш, оғирини енгил этиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш-

та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илим-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сисёатини такомиллаштириш юзасидан устувор вазифалар белгиланган.

2018 йилда аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори ўтган йилларга нисбатан сезиларли равишда оширилди. Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаси ходимларининг меҳнатини рағбатлантиришга жиддий эътибор қаратилди. “Хар бир оила – тадбиркор”, “Ешлар – келажакимиз”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” каби дастурлар банд-

УзА

ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон – Қозоғистон тадбиркорлари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎЗА.

Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида мавжуд савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилди. Унда икки мамлакат тегишли вазирлик ва идоралари, ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

Форумда меҳмонларга мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар, хусусан, инвестиция муҳитини янада яхшилаш, иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

Ташкил этилган В2В форматдаги учрашувларда икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларнинг жорий ҳолати ва истиқболлари, саноат, ишлаб чиқариш, транспорт ва транзит соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил давом эттириш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимиздан Қозоғистонга табиий газ, мева-сабзавот, полиэтилен, тўқимачилик маҳсулотлари, турли металл ва минерал ўғитлар экспорт қилинмоқда. Уз навбатида, Қозоғистондан қора металл, нефть маҳсулотлари, оҳак, цемент, алюминий, пахта ва соя ёғи, дон ва дон маҳсулотлари импорти йўлга қўйилган.

Хозирги кунда мамлакатимизда икки давлат капитални иштирокида 290 га яқин қўшма корхона фаолият юритида. Қозоғистоннинг 16 та компанияси Ўзбекистонда ваколатхонасини очган. Ҳамкор давлат ҳудудида мамлакатимиз резидентлари иштирокидаги 199 та қўшма корхона, савдо уйлари ташкил этилган.

Бизнес-форумда икки давлат ишбилармон доира вакиллари ўртасида ҳамкорлик, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга доир қатор келишувларга эришилди.

Зухра МИРЗАБОВА

ҚИСКА САТРАПДА

Тошкент халқаро аэропортида сайёҳлар ва инвесторлар учун ахборот маркази очилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳудудлардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилашга қаратилган йўналиш бўлиб ўтди.

Ёнғин хавфсизлиги институтида “Ешларда ватанпарварлик руҳини янада ривожлантириш”га бағишланган “Очиқ эшиклар кўни” ташкил этилди.

Сергели туманида тадбиркорлик субъектлари учун “Co-Working” маркази очилди.

Пойтахтимизда Ўзбекистоннинг биринчи грессмейстери Георгий Азамов хотирасига бағишланган Tashkent Open халқаро шахмат турнири ўтказилмоқда.

“Ўзжспомарказ” ҳудудида ИТС биносида Ислол тараққиёти банки кўмагида Transformers Roadshow илмий таллови ўтказилди.

Тошкент шаҳрида “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Банк хизматлари маркази очилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида иқтисодий барқарорлик, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 19 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу ишлар қўламини кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур Фармон ижроси доирасида "Ўзатом" агентлиги ташкил этилди. Уза муҳбири мазкур агентлик фаолияти ва мамлакатимизда биринчи атом электр станцияси қурилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирлигининг биринчи ўринбосари – "Ўзатом" агентлиги бош директори Жўрабек МИРЗАМАХМУДОВ билан учрашди.

Маълумки, 2018 йил октябрда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентлари томонидан республика-миздаги биринчи атом электр станцияси қурилиши лойиҳасига даст бериладиган эди, – дейди Ж.Мирзамахмудов. – Ушбу даст келгусида АЭС қурилиши учун майдон танлаш бўйича муҳандислик тадқиқотларини бошлаб берди.

Айни чоғда мамлакатимизда режалаштирилаётган атом электр станциясини ўртача талабларга жавоб берадиган жойни танлаш ишлари олиб борилаётган. Бунинг учун эса танланган жойларда геологик ва сейсмик тадқиқотлар ўтказилаётган. Ўзбекистон ушбу масалада Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) тавсияларига ва белгиланган талабларга қатъиян амал қилади.

МАГАТЭ тавсияларига мувофиқ, кампада АЭС учун ўрта майдонда тадқиқотларни ўтказиш лозим. Бу иш геологик, гидрологик, метеорологик, сейсмик, иқтисодий ва инфратузилмавий тадқиқотларни ўз ичига қамраб олади. Бу жараён 1-1,5 йил давомида амалга оширилади.

Ўзбекистондаги ilk атом электр станцияси Россия технологиялари асосида барпо этилади. Ушбу лойиҳанинг амалий аҳамияти ҳақида нима дейсиз?

Дарҳақиқат, биринчи ўзбек атом электр станцияси Россия технологиялари асосида қурилади. Шу муносабат билан атом энергетикаси соҳасида дунёда хорижий лойиҳалар сони ва қўламини бўйича етакчи ҳисобланган "Росатом" давлат корпорацияси билан тегишли келишувларга эришилди.

Бўлажак атом электр станцияси "3+" авлода мансуб бўлиб, ҳар бирининг қуввати 1 200 МВт га тенг иккита ВВЭР-1200 энергоблокдан ташкил топади. Улар Атом энергияси бўйича халқаро агентлигининг хавфсизлик бўйича барча талабларига жавоб беради. Синевдан ўтган мазкур технология асосида бугунги кунда Новоронеж АЭС-2 (Россия)да янги энергоблок фаолиятда бўлиб, бу ерда яна битта шундай технология ишга туширилиши кутилмоқда.

Амалиёт шунки кўрсатадики, АЭСнинг ишга туширилиши атом электр станцияси жойлашадиган ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига, янги корхоналар қурилиши истикболларига, янги иш ўринлари яратилишига, маҳаллий аҳоли фаровонлиги орттишига ва локал инфраструктура ривожланишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда биринчи атом электр станциясининг ишга туширилиши мамлакатга ҳар йили 3,57 миллиард кубометр газни тежаш, уни юқори қўшимча қиймати, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш учун чўқур ишлов беришга йўналтириш имконини беради. Шу билан бирга, АЭС қурилиши пайтида 8 минг кишига мўлжалланган иш ўрни, атом электр станцияси ишга тушган эса 2,5 мингга яқин иш ўрни яратилишига эришиш мумкин.

– "Ўзатом" агентлиги қисқа даврда қўллаб-қўллаб ҳорижий мамлакатлардаги АЭС-лар фаолиятини ўрганиб чиқишга муваффақ бўлди. Ушбу тажриба бўлажак АЭС учун қанчалик аҳамиятли?

– Бу жараёнда, энг аввало, лойиҳа бўйича ўқшаш атом электр станцияси, жумладан, Новоронеж АЭС-2 иш тажрибасини ўрганиш муҳимдир. Юқорида таъкидлаганимдек, унда ҳам Россия технологияларига асосланган ВВЭР-1200 атом реакторларидан фойдаланилади. Новоронеж АЭС-2 иш тажрибаси шунки кўрсатадики, ушбу лойиҳа энг замонавий халқаро талабларга ва МАГАТЭ тавсияларига мосдир.

Дарҳақиқат, "Ўзатом" агентлиги мутахассислари бошқа мамлакатлардаги бир қатор АЭСларни бориб кўришга муваффақ бўлди. Амалдаги атом электр станциялари билан таъминланган ташқари атом энергетикаси соҳасидаги тузилмалар билан ҳамкорлик келишувларига эришилди. Улар орасида Венгрия, Беларусь, Украина, Япония каби давлатлар бор. Бундай ҳамкорлик Ўзбекистонга биринчи АЭС қурилишида ҳамкор мамлакатлар тажрибасига таяниш имкониятини яратади.

"Ўзатом" агентлиги Атом энергияси бўйича

технологиялар, шунингдек, атом энергетикаси объектлари жойлашадиган ҳудудда бу каби лойиҳаларни амалга оширишдан қўриладиган самаралар ҳақида хабардор қилишга ва бунда, энг муҳими, АЭСдан фойдаланиш қанчалик хавфсиз ва иқтисодий самарали эканлигини тушунтиришга қаратилган.

Республика ОАВ вакилларини уларнинг атом энергетикаси соҳаси ва ядровий технологиялар хусусиятларидан хабардорлигини ошириш учун ўқитиш, ядровий-энергетик технологиялар ва бошқа бир қатор йўналишларда халқаро конференцияларни ташкил қилиш ва ўқитиш назарда тутилган.

Шунингдек, истиқболда "Росатом" давлат корпорацияси кўмағида Атом энергетикаси бўйича ахборот марказини ташкил қилиш режалаштирилган. Ушбу марказдан кенг жамоатчилик ҳамда ядровий технологияларга қизиқувчи барча кишилар фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу эса кенг жамоатчилик ядро энергетикаси бўйича истиқболли йўналишлар ривожига ҳақида барча зарур маълумотларга эга бўлиш имконини беради.

– Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом

Фармон ва ижро ВАТАНИМИЗ ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТИ ОШИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ча халқаро агентлик билан фаол мулоқот олиб бормоқда. Бу эса Ўзбекистон ва МАГАТЭ ҳамкорлигининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига имкон бериши. Хусусан, 2019 йил 31 январда МАГАТЭ бош директори Юкия Аmano билан музокаралар ўтказилди. У радиация ва ядровий хавфсизликни таъминлаш ва ошириш, шунингдек, техник ҳамкорлик доирасида лойиҳаларнинг амалга оширилиши бўйича қўшма фаолиятнинг самардорлигини таъминлаш экани билдирди.

Учрашувда МАГАТЭ раҳбари Ўзбекистонда АЭС қурилиши таълим тизимини такомиллаштириш, ядровий-муҳандислик фанлари, қурилиш соноати ва энергетикани ривожлантириш учун пухта пойдевор яратишни алоҳида таъкидлади. Мазкур ташкилот томонидан мамлакатимизга техник ва экспорт ёрдам кўрсатиш, шунингдек, атом электр станцияси қурилиши бўйича лойиҳани амалга оширишга кўмаклаштилади.

– "Ўзатом" агентлиги ва "Росатом" давлат корпорацияси томонидан имзоланган ўзаро англашув меморандумига мувофиқ, жамоатчиликка, умуман, атом энергетикаси ва, хусусан, АЭС қурилиши лойиҳасининг амалга оширилиши тўғрисида батафсил маълумот беришга катта эътибор қаратилаётган. Шу муносабат билан мамлакатимиздаги биринчи атом электр станцияси қурилиши бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш масаласи қандай амалга оширилади?

– Дарҳақиқат, "Ўзатом" агентлиги ва "Росатом" давлат корпорацияси ўртасида Ўзбекистон Республикасида атом энергетикаси бўйича ижобий жамоатчилик фикрини шакллантириш бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланган.

Икки томонлама ҳамкорлик Ўзбекистон аҳолисини замонавий ядровий-энергетик

энергетикасини ривожлантириш агентлиги ва "Росатом" давлат корпорацияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандумига асосан юртимиз атом энергетикаси соҳаси учун кадрлар тайёрланади. Бу қандай амалга оширилади?

– 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб "Москва муҳандислик-физика институти" миллий таълим муассасаси бўйича университетнинг Тошкентда очилаётган филиалида атом энергетикаси соҳасидаги бўлажақ мутахассисларни ўқитиш бошланади. Шунингдек, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университети магистратурасида турдош мутахассисликлар очилган.

Хозирги кунда Москвада "Москва муҳандислик-физика институти" миллий таълим муассасаси бўйича университетда 57 нафар ўзбекистонлик мутахассис таълим олаётган. Келгуси ўқув йилидан мазкур олий ўқув даргоҳининг магистратурасида Ўзбекистон учун квоталар сони икки баравар оширилади.

– Оммавий ахборот воситалари вакилларининг атом энергетикаси ва ядро технологиялари борасидаги тушунчаларини ошириш бўйича қандай ишлар режалаштирилган? Сизнингча, айнан шу соҳани ёритишда ОАВ ходимлари ихтисослашган бўлиши керакми? Бу борада халқаро тажриба қандай?

– Атом энергетикаси фаолиятида оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни бор. Уларнинг соҳа бўйича билим ва малакасини ошириш учун бир неча тадбирлар ўтказилди. Жумладан, пойтахтимизда ОАВ вакиллари учун ўтган йил ноябрь-декабрь ойларида махсус семинарлар уюштирилди. Новоронеж АЭС-2га депутатлар ва журналистлар учун Пресс-тур ташкил қилинди. Бу борадаги режалар ишлар яна давом эттирилади. Умуман, бизнинг амалга оширила-

РОССИЯ ТАДБИРКОРЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗ ИПАКЧИЛИК САНОАТИГА ҚИЗИҚИШ БИЛДИРМОҚДА

"Ўзбекипаксаноат" уюшмасида Ўзбекистон ва Россия ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

"Ўзбекипаксаноат" уюшмаси ва Россиянинг "Комбат-Тур" масъулият чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда икки мамлакатнинг туризм, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик соноати, ипакчилик соҳасида фаолият юритаётган корхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Дунёда пилла етиштиришга ўзига хос фаолият тури сифатида алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакатимизда ҳам Президентимиз раҳбарлигида ушбу соноат соҳасини янада ривожлантириш, ипақдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган жараёни сифатли ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сифатли уруғлик етиштириш борасида "Йул харитаси" тасдиқланган. Унда ипақ курти уруғини етиштиришга ихтисослашган корхоналарни 2021 йилгача тубдан модернизация қилиш белгиланган. Бу Ўзбекистонда экспортбоқ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли ошириш имконини беради.

Тадбирда "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари Аъзамхон Абдуллаев мамлакатимизда етиштирилган ипақ маҳсулотлари Хитой, Ҳиндистон, Япония, Жанубий Корея каби давлатларга экспорт қилинаётгани ҳақида сўзлаб берди. Тут баргидан чой ва парфюмерия воситалари, ипақ курти гўмбагидан ёки ишлаб чиқариш, туризм, касаначилик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришга оид истиқболли лойиҳалар бўйича маълумотлар тақдим этиди.

– Мамлакатимизда божбона ва солиқ ислохотларининг амалга оширилаётгани, виза тартибидидаги ижобий ўзгаришлар хорижий инвесторларни жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга, – деди россиялик ишбилармон Александр Чуранов. – Форум доирасида пилла йиғириш, ипақ газлама тўқиш дастгоҳларининг эҳтиёт қисмлари, тут дарахти қўчалари, ипақ куртининг суперэластика, элита ва соноат уруғларини Ўзбекистонга олиб киришда яратилган имтиёзлар ҳақида сўзлаб берилди. Ташриф доирасида ипакчилик ва сайёҳлик соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича музокаралар ўтказилди.

Икки давлат тадбиркорларининг мулоқот майдонига айланган форум доирасида "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўرғазма савдоси ва миллий либослар намойиши ўтказилди.

Анжуманда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, инвесторларни жалб қилиш ва илгор хорижий тажрибани оммалаштириш бўйича тақдиротлар намойиш этилди. Туризм, қишлоқ хўжалиги, текстиль ва ипақ соноатида фаолият юритаётган Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари иштирокида В2В форматдаги учрашувлар ўтказилди. Сайёра ШОЕВА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги институтида "Ҳаётин фаолият хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашув, илмий ишланмалар ва замонавий технологиялар" мавзусида ёш олимларнинг I республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ ВА ТАШАББУСКОРЛИК – ТАРАҚИЁТ ГАРОВИ

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Республика ёш олимлар кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирни институт бошлиғи, юридик фанлари доктори Н.Нарматов очиб, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегияси изчил амалга оширилаётганини, олий таълим муассасаларида инновацион ва технологик гояларни ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёш олимларнинг инновацион технологияларни яратиш борасидаги ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш юзасидан зарур чоралар қўрилаётганини таъкидлади.

Анжуман иштирокчилари томонидан юқори технологияларга эга бўлган ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, "Инновациялар ва инновацион фаолият тўғрисида"ги ҳамда "Илмий-таълим ва тажриба-конструкторлик ишлари соҳасида ҳамкорлик тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ҳаётин фаолият хавфсизлигини таъминлаш тизимига ихтиролар ва илмий ишланмалар, ютуқларини самарали таълим этиш мақсадида мавжуд илмий-техник салоҳият ва имкониятлардан фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни фаоллаштириш лозимлиги қайд этилди.

– Тадбир доирасида иштирокчилар томонидан яратилган ихтироларнинг намойиши ўтказилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги институти матбуот котиби Шерали Анваров. – Шунингдек, замонавий ёнгин ўчириш техникалари ва махсус-авария қутқарув машиналари, асбоб-анжомлари ва воситалари билан таъминлаш, институт курсантларининг кўرғазмали жанговар чиқишлари намойиш этилди ҳамда бадий илм ва махсус адабиётлар ярмаркаси ўтказилди. Умуман, илк бор ўтказилган ушбу илмий-амалий анжуман иштирокчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва нуқтани назарлар турли тажрибаларни оммалаштириш ҳамда шу асосда тақлифлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Республика ёш олимлар кенгаши масъул ходимларининг маърузалари тингланди.

Анжуман доирасида ташкиллаштирилган 3 та йўналиш бўйича шўбларда таъхорфсиз хавфсизлиги, ишлаб чиқариш ва қурилиш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш соҳаларидаги инновацион гоялар ва технологиялар бўйича анжуман иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари эшитилди. Таклиф ва тавсиялар берилди.

ётган ишларимиз матбуот учун очик. Яна бир муҳим масала шуки, ядро энергетикаси мавзусини ёритишдаги журналистлар бу соҳа асослари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши керак. Маълумотларни кенг оммага ва аудиторияга қанчалик маҳорат билан еткази олиши уларнинг эгаллаган билим ва тажрибасига боғлиқдир.

– Соф энергия манбаи, дея тавсиф этиладиган АЭС экологик хавфсизликка қандай таъсир кўрсатади?

– АЭСни эксплуатация қилиш жараёнида иссиқлик энергетикаси объектларидан фарқли равишда ундан ис газини ҳосил бўлмайди. Бу эса атом энергиясининг экологик тозаллигини таъминлайди. Мутахассислар фикрига кўра, иккита энергоблокни АЭСнинг ишга туширилиши йилга 14 миллион тоннагача ис газини ва 36 тоннагача азот оксиди чиқарилишининг олдини олади.

Атом электр станциясининг ишга туширилиши хозирги пайтда электр энергия ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган табиий газ микдорини жиғидий равишда қисқартириш имконини беради.

– Ўзбекистонда электр энергия ишлаб чиқарилишининг умумий ҳажмида бўлажак АЭСнинг улуши қандай бўлади?

– Экспертларнинг баҳосига кўра, Ўзбекистонда 2030 йилга бориб, электр энергия бўлган талаб иқтисодий ривожланиш, аҳоли кўлайиши ва турмуш даражаси орттиши туфайли 117 миллиард кВт/с га етади.

Шу маънода, АЭС мамлакатимиз энергетик мувозанатини таъминлашнинг энг муҳим асосига айланади. Агар АЭС 2019 йилда ишга туширилса, у йилга 18,5 миллиард кВт/с электр энергия ишлаб чиқаради. 2030 йилга келиб, республикада электр энергия генерациясини қарий икки баравар – 117 миллиард кВт/с га ошириш режалаштирилмоқда. Шунда ҳам АЭС улуши салмоқли бўлиб, 15 фоизга яқини ташкил этади.

АЭСдан фойдаланиш мамлакатнинг умумий энергетик балансида 2,4 ГВт қувватни қўшимча равишда киритади, бу эса Ўзбекистон энергетика хавфсизлиги учун қўшимча кафолатларни таъминлайди.

Бугунги кунда эса Ўзбекистон табиий газга ниҳоятда қарам бўлиб, у мамлакат электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида 85 фоизни эгаллайди. Бундай кўрсаткич сабаб, келгуси ривожланиш учун мамлакат кўп сонли энергия манбаларига муҳтож бўлади.

– Ўзбекистон географик жойлашуви бўйича сейсмик ҳудуд ҳисобланади. Бундай факултада ҳодисалар АЭС фаолиятига таъсир этиши мумкинми?

– Ўзбекистонда амалга оширилаётган АЭС лойиҳаси 9 балли зилзилада режали иш олиб боришга мўлжалланган. Республика-миз ўзининг сейсмик ва иқлим шароитларига кўра, Бангладеш ва Туркия каби мамлакатларга яқин, у ерда ҳам бизнинг мамлакатимизда қурилиш режалаштирилаётганга ўқшаш АЭСлар бунёд этилмоқда.

Бу масалани халқаро тажриба мисолида изохламоқчиман. Мамлакатимиз делегацияси 2018 йил 29 октябрь – 1 ноябрь кунлари Токио шаҳридаги АЭСда бўлди. "Тоқай 2" атом электр станцияси 1978 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, 2014 йилда янги талаблар жўйи қилиниши муносабати билан тўхтатиб қўйилган. Хозирги кунда "Тоқай 2" атом электр станциясида хавфсизликни кучайтириш бўйича барча чоралар амалга оширилган ва 2018 йил сентябрда станцияни ишга туширишга, 2018 йил октябрда эса келгуси 20 йил давомида АЭСни эксплуатация қилишга ружусат олинган.

Демак, бу АЭСга оид барча аввалги ва замонавий технологиялар сейсмик талабларга тўлиқ жавоб беришини аниқлатади.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА сўхбатлашди

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА "HASHAR WEEK" ЛОЙИҲАСИ

Тошкентда 11-17 март кунлари экология, шахсий масъулият ва чиқиндилар билан муомала қилиш маданиятига бағишланган "Hashar week" акцияси ўз ишини бошлади.

Акция Ўзбекистон Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Тошкент ҳокимияти ҳамда "Махсустрэнс" корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган.

Акция доирасида пойтахтдаги 21 та махсус чиқинди йиғиш шохобчасида фақат сараланган маиший чиқиндилар қабул қилинади.

Бунинг учун марказий бозорлар ва аҳоли гавжум жойларга махсус шохобчалар ўрнатилди, қабул пунктлари очилди.

Марказий қўчаларда реклама баннерлари жойлаштирилди. Реклама баннерларини янада оммалаштириш мақсадида олтишига яқин автомобиль хизматидан фойдаланилмоқда.

Ўйин шаклида чиқиндиларни саралаш ва сурункали чиқиндиҳоналарни аниқлашга имкон берувчи мобил илова ишга туширилди. Иловада жисмоний ва юридик шахслар, мактаблар ва олий таълим муассасалари рўйхатдан ўтиши мумкин. Фойдаланувчилар ўз ҳисобини юритади, ҳафта охирида эса ҳар бир тоифа бўйича голиблар тақдирланади.

Акциядан мақсад аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ҳукумат, нодавлат нотижорат ташкилотлари, хусусий корхоналарнинг эътиборини атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, хусусан чиқиндиларни бошқариш масаласида уларнинг хабардорлигини ошириш, чиқиндиларни саралаш маданиятини шакллантиришдир.

Г.АЗИМОВА

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ва Буюк Британиянинг Crown Agents Limited компанияси ўртасида тиббиёт секторида ҳамкорлик қилишга доир Англашув меморандуми имзоланди.

Ҳужжат Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси раиси Равшан Изамов ва Crown Agents Limited компаниясининг Шарқий Европа ҳамда Марказий Осиё бўйича мутахассис менежери Ольга Сильвестрова томонидан Ўзбекистон ва Британия кенгашининг савдо ва саноат бўйича 24-йилгилиши доирасида имзоланди.

Тадбир доирасида томонлар Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш секторида Британия компанияси технологиялари асосидаги лойиҳани амалга оширишга доир келишувга эришилди.

Таъкидлаш жоизки, Crown Agents Limited Буюк Британияда 1838 йилдан бунён фаолият кўрсатиб келади. Компаниянинг блокчейн технологиясини йўлловчи рақамли платформаси товарлар, хусусан дори воситалари ва тиббиёт ускуналарини истеъмолчилга етказиб бериш заنجирини кузатиш имконини беради. Компания БАА ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида мазкур технологиялар қўлланувчи инновацион лойиҳани амалга оширган. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасидаги туб ислохотларни инобатга олган ҳолда, Crown Agents Limited айни дамда бундай йўналишдаги лойиҳани Ўзбекистонда ҳам амалга ошириш долзарб аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди.

Қобул НОСИРОВ

ИНФЛЯЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ ВА САБАБЛАРИ

Миллий матбуот марказида Давлат статистика қўмитаси томонидан "Инфляция: моҳияти, сабаблари ва намоён бўлиш шакллари ҳамда иқтисодийтаги ўрни" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, инфляция барча товар ва хизматларга бўлган нархларнинг кўтарилишидир. Инфляция даражасини ҳисоблашда асосан нархларнинг ўсиш динамикасини инфодаловчи кўрсаткичлардан фойдаланилади. Инфляцияни ҳисоблашда асосий кўрсаткич – нарх индекси ҳисобланади.

Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) – инфляция даражасини фойдалайдиган асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, ўртача истеъмолчи харид қиладиган товар ва хизматларнинг ўзармас тўғри қийматининг умумий ўзгаришини ҳисоблайди.

Маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача 14,9 фоизга кўтарилади. Бу эса, ўз навбатида, умумий ИНИнинг ўсишига 6,4 фоиз таъсир этди. Биргина, нон, гўшт, сўт ва мева-сабзавот маҳсулотлари нархларининг кўтарилиши натижада ИНИнинг ўртача 5,5 фоизга ошишига олиб келди.

Нооziқ-овқат товарлари нархларининг 12,5 фоизга ошгани ИНИнинг 4,4 фоиз ўсишига олиб келди. Қийим-кечак, пойабзал, газлама ва эшилган ипплар, қурилиш моллари, дори-дармонлар, автомобильлар учун ёқилга ва ёқилга маҳсулотлари, шахсий гигиена маҳсулотлари нархларининг ошиши жами ИНИнинг 20,4 фоизга тенг бўлди ёки инфляциянинг умумий ўсишига 3,5 фоизга таъсир қилди.

Шунингдек, мамлакат аҳолисига хизмат кўрсатиш бўйича нархлар ва тарифлар йил давомида ўртача 15,8 фоизга ошган.

– Ҳар ойнинг якунида инфляция даражаси, нарх-наво кўрсаткичлари оид маълумотлар қўмитанинг www.stat.uz расмий сайтыда жойлаштириб борилади, – дейди Давлат статистика қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Усмон Абдурусолов. – Шунингдек, Давлат статистика қўмитаси томонидан мунтазам равишда мамлакатнинг етакчи олий ўқув юрталарида ўтказилаётган семинарлар ва давра сўхбатларида ҳам инфляция даражаси кўрсаткичларига оид маълумотлар эълон қилиниб, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.

Пойтахтимизда Илом тараққийёт банки Президентининг катта маслаҳатчиси Хаят Синди бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида "Илм-фан, технологиялар ва инновациялар" мавзусида илмий стартап лойиҳалар бўйича семинар ташкил этилди.

ИЛМ-ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Семинар ишида ёш олим ва ихтирочилар, экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдурахмонов ва бошқалар мамлакатимизда илм-фан, илғор технологиялар, инновацион тадқиқотларни ривожлантириш, самарали ишланмаларни амалиётга жорий этишга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Харакатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида қўллаб-қувватловчи лойиҳалар муваффақиятли ҳаётга жорий этилди. Бу sanoat, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, транспорт-коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларида салмоқли ютуқлар қўлга киритилишида асосий омил бўлмоқда.

2019 йилда илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизими янада такомиллаштириш, олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ишлаб чиқариш соҳаларида тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюрolari, тажриба-ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу каби мақсадларга эришишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда Илом тараққийёт банки билан биргаликда ушбу йўналишдаги қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири билан ҳамкорликда Оролбўйи ҳудудига кўмак кўрсатиш, илм-фан ютуқларини қишлоқ хўжалиги соҳасига кенг қўллаш борасидаги лойиҳалар шулар жумласидан.

Илом тараққийёт банки иқтисодий лойиҳалар билан бирга, таълим, экотизим, энергетика, соғлиқни сақлаш каби соҳаларга оид лойиҳа ва дастурларни муваффақиятли ташкил этиб келмоқда, — дейди Хаят Синди. — Ўзбекистонда бу каби тадбирларнинг ҳамкорликда ўтказилаётгани ҳамкорлик кўламини амалий мазмун билан бойитиш имконини беради. Тадбир доирасида ўзбек ёшларининг билимга чанқоқ, изланувчан, меҳнатсевар эканига ғувоҳ бўлдим.

Семинарда сарможалар жалб этиш, бизнесни режалаштириш, маркетинг ва алоқа каби мавзуларда маърузалар тингланди. Бизнес ва инновацион ғоялар мавзуларида маҳорат сабоқлари ташкил этилди.

Тадбир доирасида "Transformers roadshow" илмий-инновацион танлови бўлиб ўтди. Ундан кўзланган асосий мақсад молиявий кўмак, ҳамкорлар, бошқарувчилар ва бизнес учун янги имкониятлар излаётган тадқиқотчиларни аниқлаш. Илом тараққийёт банкига аъзо мамлакатларда илм-фан, технологиялар ва инновацияларни тараққий эттиришдан иборат.

Нодиржон Юсуфов Тошкентдаги Турин политехника университети 2018 йилда тамомлаган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазириликда фаолият олиб бормоқда. Ёш мутахассис танловда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган жараёни автоматлаштиришга оид лойиҳасини тақдим этди. Унинг кайд этишича, мазкур лойиҳа техника йўналишида таҳсил олаётган талабаларнинг билимини оширишда қўл келади. Самарали, амалиётга қўллаш учун мақбул ва қўлай дея топилган лойиҳа муаллифлари Илом тараққийёт банки томонидан тақдирланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

Япониядаги ватандошларимиз томонидан Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини тарғиб қилувчи қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан хориждаги ватандошлар билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини кенг тарғиб қилиш механизми йўлга қўйилди.

Японияда Ўзбекистонга саёҳат қилиш истагида бўлганлар сонини кўпайтириш, япон аҳолиси, айниқса ёшларини мамлакатимиз ва унинг туризм имкониятлари билан яқиндан таништириш мақсадида ватандошларимиз томонидан бир қатор тағйибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Бу каби тадбирлар доирасида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тақдим этилаётган юртимизнинг туризм салоҳиятини акс эттирувчи тарғибот материаллари, жумладан видеороликлар, расмлар ва бошқа воситалардан фойдаланилмоқда.

Япониянинг Нагоя шаҳрида истиқомат қилувчи ватандошимиз, Нагоя иқтисодий университети талабаси, "Earth Design" туризм компанияси ходими Миржалол Менгбоев Киёсу шаҳрида дунё маданияти ва таомларига бағишланган "13-Халқаро базм" фестивалида юртимиз номидан қатнашиб, Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини намоийиш этди.

— Тадбир жуда илиқ ва самимий руҳда ўтди, — дейди Миржалол Менгбоев. — Миллий тўн ва дўппимизни кўрган тадбир иштирокчилари мамлакатимизга катта қизиқиш билдиришди ҳамда суратга тушишти. Миллий рақсларимиз, жумладан Андижон полкасига рақсга тушганимиз эса барчага бирдек манзур бўлди. Тадбирда иштирок этган оммавий ахборот воситалари ходимлари Ўзбекистонга катта қизиқиш билдириб, Япония телевидениелари мухбирлари ўз телеканаллари орқали Ўзбекистон ҳақида кўрсатув намоийиш этишларини маълум қилишди.

Япониянинг Фукуока шаҳрида истиқомат қилувчи ватандошимиз, "Фукуока халқаро маркази"

Халқаро ўқитувчилар жамоасининг Ўзбекистон бўйича вакили Махбуба Камолова томонидан ҳам Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда Фукуока шаҳридаги Накаминами мактабида ҳамда "Миннами Шогаккуни" таълим муассасасида талабалар ва уларнинг ота-оналари учун Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар ташкил этилди.

— Махбуба Камолова бизнинг мактабимизга келиб, Ўзбекистон ҳақида жуда ҳам қизиқarli дарс ўтиб берди, — дейди мактаб ўқитувчиси Баба Аки. — Шу кунгача мактаб ўқувчилари Ўзбекистон қаерда жойлашганлиги, қандай юрт эканлиги ҳақида умуман тасаввурга эга эмасди. Ўзбекистон маданияти, миллий кийимлари, таомлари, тарихий шаҳарлари ҳақида маълумот бериб, япониялик ёшларга ўзбек тилини ҳам ўргатди. Япония ва Ўзбекистоннинг боғлиқлик томонларини айтиб берди, биз ва ёшлар учун жуда қизиқ бўлди.

— Ўзбекистон халқининг бой урф-одат ва анъаналари, миллий либослари, тарихий шаҳарлари, миллий таомлари ва бетакрор табиати ҳақида қўллаб-қувватловчи тағйиботларга эга бўлди. Албатта имкон топиб, Ўзбекистонга ташриф буюрарман, — дейди япониялик ўқитувчи Мори Омуро.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Япониядаги ватандошларимиз томонидан жорий йил давомида Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини янада кенгроқ тарғиб қилиш бўйича қатор тадбирлар ташкил этиш режалаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини ўзлари истиқомат қилаётган мамлакатларда тарғиб қилиш борасида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорлик қилиш истагини билдираётган хориждаги ҳамюртларимиз сони тобора кўпайиб бормоқда.

(Ўз мухбиримиз)

АУДИО КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштиришда муҳим дастуруламал вазифасини бажармоқда.

Республика болалар кутубхонасида "Икки эшик ораси", "Сариқ девни миниб", "Отандан қолган далалар", "Оқ кема", "Шамол ортдан югуриб", «Ўзбек халқ эртаклари» каби 40 номдаги асарларнинг аудио нусхалари тақдимоти ўтказилди, дея хабар беради ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик масъ-

уллари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, элимиз ардоғидаги ёзувчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этган тадбирда бу сайъ-ҳаракатлар халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, дунёқарашини юксалтириш, улар ўрта-таъсир китобхонлик маданияти-

ни янада ошириш бўйича қилинган муҳим лойиҳалардан бири экани таъкидланди.

Жорий йил якунига қадар Республика болалар кутубхонаси ўқувчилар, китобхонлар учун ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналаридан иборат яна 40 номдаги асарнинг аудио вариантини яратади.

М.ТОШҚОРАЕВА

ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнги хавфсизлиги институтида "Барчаси ўз қўлингизда" тарғибот декадаси доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сергели тумани Кенгаши билан ҳамкорликда "Хўқуқ ва бурч" шиори остида ўқувчи-ёшлар иштирокида "Ёшлар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноatchиликнинг олдини олиш" мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Сергели тумани ҳокимлиги, туман прокуратураси, туман ИИОФМБ, "Нуроний" жағмармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар ва Сергели туман Кенгаши билан ҳамкорликда, бошланғич таълимчилар етакчилиги, маҳалла фаоллари, психологлар, профилактик ҳисобда турувчи ёшлар ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.

Институт бошлигининг ўринбосари А.Ахмадходжаев ва бошқалар мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун кенг шарт-шароитлар яратиш, уларни турли салбий иллатлардан ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноatchиликнинг олдини олиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишига қўмаклашиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Тадбирда гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, жиноatchилик ва ҳуқуқбузарлик каби иллатлар инсоният келажагига таҳдид солаётган энг хавфли муаммолардан бири экани кайд этилди.

— Юртимизда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасида тегишли дастурлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг институтидаги бошланғич таълимчи етакчиси Рустам Чориев. — Жумладан, мамлакатимиздаги барча таълим масканлари, ёшлар фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилот-

ларда ички ишлар ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда олдимизда турган устувор вазифалардан бири — бу ёшлар ўртасида ўғрилиқ, турли психотроп дори воситалари қабул қилиш, ўз жонига қасд қилиш каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда мамлакатда рўй бераётган янгиликлар ва ўзгаришларга дахлдорлик туғйисини юксалтириш ҳамда турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишдир. Тадбирда ёшларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини янада тўлақонли англаб етишларига қўмаклашиш, қалбларида Ватанга бўлган муҳаббат ва сардоқат туғйиларини мустаҳкамлаш, яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда имкониятлардан самарали фойдаланиш, жамиятимиз учун ҳар томонлама муноси фарзандлар бўлиб етишишлари ҳақида батафсил маълумот ва тавсиялар берилди.

Шундан сўнг, институт ҳудудига жойлашган руҳий тайёргарлик йўлақчаларида мавжуд снарядлардан ўтиш, ўқув миносининг 4-қаватидан ўзини ўзи қутқариш ҳамда ишол қилиш нарвони билан 4-қаватга кўтарилиш, ёнги ўчириш амалий спорт бўйича жағновар ёйилиш, қўл жанги машқлари намоийиш этилди.

Хуришд МАХАМАДИЕВ,
ИИВ Ёнги хавфсизлиги институти ходими

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!
24/7 шохобчани ишлаб чиқилган дизайн асосида қўриш бўйича ташкилотлар ўртасида "Узсанотқурилишбанк" АТБ Миробод филиали
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни қўйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 10-уй.
Телефонлар: (71) 215-59-45, (71) 255-99-75.
Нархлари кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида 2 қаватли хат жилдда жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган холда эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани ҳокимлиги ҳузуридида ТСРҮИ томонидан 02.09.2015 йилда № 001681-02 реестр тартиби рақами билан рўйхатдан ўтган "ASTROBOD FAYZ BARAKA" (СТИР 303433044) оилавий корхонаси таъсисчининг 07.02.2019 йилдаги баённомасига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давво ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қўйидаги манзил орқали қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Сувсоз кўчаси, 12-уй, 119-хонадон. Мурожат учун телефон: (99) 804-05-58.

Авалги Тошкент тижорат техникаси ҳозирда Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи томонидан Мусаев Анвар Аскаревич номига 1995 йилда берилган № 003553 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ифтихор 5-тор кўчаси, 22а-уй учун Миршаҳоджаев Баҳадиржон номига Юнусобод туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Давргеодезадастр қўмитаси томонидан тасдиқланган жадалв асосида жорий йилнинг 29 март куни Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек ва Учтепа туманларида Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси раҳбарияти томонидан соҳага оид масалалар юзасидан Жисмоний ва юридик шахсларнинг сайёр қабули ўтказилди. Ушбу сайёр қабулда барча соҳага оид саволлар билан иштирок этишингиз

мумкин.
Сайёр қабул ўтказиш вақти:
29 март куни соат 10:00 дан соат 13:00 га қадар корхонанинг Мирзо Улуғбек туман филиалида.
Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Аҳиллик кўчаси, 3-уй.
29 март куни соат 10:00 дан соат 17:00 га қадар корхонанинг Учтепа туман филиалида.
Манзил: Учтепа тумани, Фарход кўчаси, 12-уй.
Маълумот учун телефонлар: 71 231-68-51, 71-233-14-59.

"KISLOROD-AZOT-GAZ TRANS SERVIS" МЧЖ (ИНН 303985591) устав фонди 480 000 000 сўмдан 160 000 000 сўмгача камайтирилаётганини маълум қиламиз.
Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99890 979-98-57.

Хабарлар

ЮРТ ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА

Яккасарой туманининг Бобур ва Абдулла Қаҳҳор кўчалари кесишуvidан оқиб ўтувчи Салар каналида бугун ободонлаштириш ишлари авжида.

Ҳозирда 750 метр бўлган канал ишларида 150 дан ортиқ ишчилар меҳнат қилапти. Каналнинг бетон қисми қайтадан таъмирланиб, атрофига панжаралар ўрнатилмоқда.

Бу ерда деярли 70 фоиз ишлар бажариб бўлинганини кўриш мумкин. Фақат ҳозирда канал атрофига ўриндиқлар ўрнатиш, яшил майдонлар яратиш, дарахтлар экиб, жойни кўкаламзорлаштириш ишлари қолди, холос. Мазкур каналнинг бир томонида 5700 нафар аҳолиси бўлган Бобур маҳалласи жойлашган. Ушбу маҳалла фуқаролари учун ҳам 3 қаватли ижтимоий соҳа объекти қад кўтарди. Гузаллик салонидан тортиб, кичик дўконларгача барчаси энди бир жойда мужассам бўлди. Қолаверса, энди бино ичкарида маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари ҳам фаолият кўрсатишади.

Каналнинг иккинчи томонида эса "Дамарик" маҳалласи жойлашган. Ушбу маҳалла фуқаролари учун бу ерда янги болалар майдончаси қурилиши режалаштирилмоқда. Тез орада мазкур канал атрофи ҳам ободонлаштирилиб, маҳалла аҳлининг дам олиши, ҳордиқ чиқариши учун яна бир обод масканга айланади.

САЙИЛГОҲ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Ботаника боғига туташ бўлган Салар каналининг қирғоқбўйи минтақасида сайилгоҳ ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Ҳозирда Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманлари чегарасида жойлашган канал атрофини ноқонуний қурилмалардан бартараф этиш бўйича ишлар амалга ошириляпти. Лойиҳанинг умумий қиймати 14 млрд. сўмни ташкил этади.

Мазкур сайилгоҳнинг умумий узунлиги 1,6 км. Ҳозирда каналнинг кенглиги турлича. Шу боис таъмирлаш ишлари давомида унинг кенглиги 4-4,5 метр бўлиши, атрофи эса яшил майдонга айлантирилиши, аҳоли дам олиши учун ўриндиқлар, замонавий ёриткичлар ўрнатилиши кутилмоқда.

Ҳозирда шаҳарнинг кўрқига янада кўрк қўйиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги турли канал атрофларини ободонлаштириш, аҳолига қўлайлик яратиш, уларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун сайилгоҳлар ташкил этилмоқда. Тез орада ушбу сайилгоҳ ҳам пойтахтимиз аҳолисига тўхфа этилади.

ТУРАР-ЖОЙЛАР БУНЁД ҚИЛИНМОҚДА

Бугунги кунда шаҳримизда ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, имконияти чекланган фуқаролар учун турар-жойлар бунёд этилмоқда.

Бугун ана шундай турар жойлардан бири Яккасарой тумани, "Яккасарой" маҳалласида ҳам қад ростламоқда. Бу ерда 48 та хонадондан иборат 4 қаватли, 2 та уй қурилмоқда.

Уйнинг 4 қавати ҳам қўтарилган. Шу боис, ҳозирда унинг фасад қисмини бўйиш, ички қисмини таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Уйнинг кириш йўлақлари ҳам деярли тайёр. Ҳар бир хонадонга эшиклар ҳам ўрнатиляпти. Уйларнинг дераза ромлари ўрнатиб бўлинган. Фуқаролар учун алоҳида ховли қилиниши, унда яшил майдон яратилиб, маҳалла аҳли учун ўриндиқлар, очик айвонлар ўрнатилиши кўзда тутилган.

— Бугунги кунда маҳалламизда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, — дейди "Яккасарой" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раис Шухриддин Зайнуллоев. — Аҳолиимизнинг эҳтиёжман қатламга 4 қаватли, 2 та уй қурилмоқда. Бу эса юртимизда инсон манфаатлари олий қадрият эканлигини намоён этади.

48 та хонадон 48 та оиланинг фаровон турмуши учун қурилмоқда. Жорий йилда ана шундай турар-жойлар сони янада ортади. Ахир ҳар бир фуқароннинг тақдирини, уларнинг қувончи ҳуқуқимиз эътиборидан.

НИГНА ҲАКИМОВА,

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ходими

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, Гулбоғ тор кўчаси, 42в-уй учун Ибрагимов Диёр Исмаилович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Яккасарой тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Яккасарой тумани, Уриқзор кўчаси, 15а-уй учун Джурбаева Раъно Каюмовна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Парваршиш кўчаси, 37в-уй учун Азизова Закия Габдурасуловна номига Олмазор туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Бодомзор 7-тор кўчаси, (аввалги Ф.Сидикова кўчаси) 2-уй учун Урманов Шаикрам номига Юнусобод туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Кўлламаса Худойим, Бекор барча даъвойинг.

Киши яхши кўрганига озор бермайди.

Озор бердими, яхши кўрмайди.

Чин муҳаббат ҳеч нима талаб қилмайди.

Эру хотин бир-бирига муносиб бўлмаса, ҳаёти ҳаётга ўхшамайди.

Ночорликдан ўлим афзал.

Нодон ҳамиша дононинг устидан голиб бўлган – бунинг сира ажабланидиган жойи йўқ.

Ҳамма ўзидан келиб чиқиб гапирди.

Дард кечаси кучаяди.

Ҳар бир кишининг ўз сири бўлади.

Кимники хизмат, Кимники тухмат.

Керакли нарса ерда ётмайди.

Яхшиликни яширадилар, Ёмонликни оширадилар.

Нодон ақлининг бировдан кам эмаслигини кўрсатиш учун ҳам нотўғри бўлса-да, ўзи айтган ишни қилади.

Кўп гапириш ақдан эмас.

Рашк – кўркув ва ишончсизлик меваси.

Ёмон хотин шайтоннинг йўлдоши.

Боланг пул сўраганда бермасанг, ўғирлаб олади.

Ҳамма ўз ишини билиб қилса, назоратга ҳожат йўқ.

Ишни қойил қилиб қўй-да, кейин керил.

Чеккада юрганнинг оти чиқмай кетади.

Жангу жанжал – муҳаббат кушандаси.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

23 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 15 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво шароити шаҳар ҳаво шароити зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

СУПЕРЛИГА БАҲСЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Ниҳоят ўзбекистонлик футбол мухлислари орзиқиб кутган кунлар етиб келди. Суперлига жамоалари жорий йилги мамлакат биринчи тур баҳсларида иштирок этишди.

Дарвоқе, амалдаги мамлакат чемпиони "Локомотив" ҳамда вице-чемпион "Пахтакор" ОЧЛ турнири баҳсларида иштирок этаётганлари сабабли ушбу турда дам олишди. Чунки 1-турдаёқ бу икки жамоа ўзаро куч синатиши керак эди. Қитъанинг нуфузли турнири 2-тури олдида бу икки клуб пухта тайёргарлик кўриши учун ПФЛ имконият яратиб берди. Қизғин, дастлабки турнинг 6 та учрашувида томонлар мурося йўлини танлашга мажбур бўлишди. Фақат Жизжақда уюштирилган "Сўғдиёна" – "Бунёдкор" баҳси 2:1 ҳисобида мезбонларнинг галабаси билан якунланди. Дарвозаларга голларни "Сўғдиёна"дан – Д.Тошматов, О.Нурматов, "Бунёдкор"дан – С.Қодирқулов киритишди. Турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Кизилқум" – "Андижон" – 1:1, "Динамо" – "Насаф" – 1:1, АГМК – "Бухоро" – 0:0, "Сурхон" – "Металлург" – 1:1, "Навбахор" – "Кўкон" – 19:2 – 1:1. Ушбу турнинг "Пахтакор" – "Локомотив" ўйини 16 март кунини бўлиб ўтади.

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон аёллар олимпия терма жамоамиз иштирок этган "TURKISH WOMEN'S CUP 2019" халқаро турнири якунланди.

Турнир доирасида аёллар олимпия терма жамоамиз Шимолий Ирландия терма жамоаси билан куч синатишди. Қизиқarli кечган ўйин 2:1 ҳисобида европаликларнинг галабаси билан якунланди. Аёллар олимпия терма жамоамиз томонидан киритилган голга Дилдора Нозимова муаллифлик қилди. Баҳром Норсафаров шогирдлари халқаро турнир давомида Ҳиндистон жамоасини 1:0 ҳисобида енгишган бўлса, худди шу ҳисобда руминияликлардан мағлубиятга учрашди. Ҳамюртларимиз Туркменистон терма жамоаси билан кечган баҳсда 1:1 ҳисоби қайд этди. Мусобақада давомида аёллар олимпия терма жамоамиз мураббийлари номзод футболчиларни синовдан ўтказиб, турли тактик схемаларни амалда қўллаб кўришди. Европанинг Руминия, Шимолий Ирландия сингари кучли терма жамоаларига қарши ўтказилган баҳслар орқали камчиликлар аниқлаб олинди. Албатта ушбу турнир олимпиячиларимизга маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

Ақбар Йўлдошев

Спорт янгиликлари

КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Қибрай туманидаги "Роҳат" автодромида дуатлон бўйича Тошкент шаҳар очик биринчилиги чемпионати ўтказилди. Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан ташкил этилган мусобақада спортчилар 4 ёш тоифаси бўйича ўзаро баҳслашди.

Мазкур мусобақа ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларнинг турли ёт гоғларга қўшилиб кетишининг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиб, спорт турларига бўлган қизиқишини ошириш мақсад қилиб белгиланди.

Дуатлон спорт турининг бошқа спорт турларидан фарқи ўзида 2 та спорт турини мужассам этиб, инсонни жисмонан бақувват қилиш билан бир қаторда унинг иродасини мустаҳкамлайди.

Мусобақанинг 22 ёш ва ундан катта бўлган ўғил болалар ўртасидаги баҳсларида А.Решетников, қизлар ўртасида А.Безуглова биринчи ўринни қўлга киритди.

1998-2000 йилларда туғилган ёшлар ўртасидаги мусобақада ҳам Шайхонтоҳур тумани вакиллари рақибларига нисбатан устунлик қилди. Хусусан, шу ёшдаги ўғил болалар ўртасидаги мусобақада ушбу туман вакили У.Алимов, қизлар ўртасидаги баҳсда ҳам шайхонтоҳурлик Е.Рязанова голиб бўлди.

2001-2003 йилларда туғилган ўғил болалар ўртасида К.Хўжаев, қизлар ўртасида Л.Содиқова юқори ўринни эгаллашди.

2004-2006 йилларда туғилган ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда Шайхонтоҳур тумани вакили Р.Корнилов, қизлар ўртасида эса Миробод тумани вакили З.Аббасова голибликка эришди.

Чемпионатда умумжамоа ҳисобида Шайхонтоҳур тумани вакиллари биринчи, Миробод тумани дуатлончилари иккинчи, Сергели тумани спортчилари учинчи ўринни қўлга киритди.

Зарина РУСТАМОВА

ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ

Тошкентда 30 кунда жами 29.452 та қарздор аниқланиб, 12 миллиардга яқин жарималар ундирилди.

Турмушимизнинг оғирини енгил қилувчи автомобиллар кундан-кунга шахримиз кўчаларида кўпайиб бормоқда. Бу эса йўловчи ва ҳайдовчидан белгиланган қоидаларга амал қилиш, янада эҳтиёткор бўлишни талаб этмоқда.

Лекин гуруҳ қурмақсиз бўлмаганидек, орамизда белгиланган қоидаларни бузаётган, жарималарни тўламаётганлар ҳам топилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда шаҳар ИИББ ИХХБ билан ҳамкорликда МИБ иш юритувидаги ижро ҳужжатлари қарздорликларни ундируви бўйича қўшма рейд-тадбирлари ўтказилмоқда.

Қўшма тадбирнинг 30 кунда жами ундирилган жарималар миқдори 11 млрд. 761 млн. 746 миң 865 сўми ташкил этди. Жами бўлиб 39.148 қоидабузарлар аниқланган.

Тахлилларга кўра, Тошкент шаҳар ҳайдовчиларнинг бошқа вилоятларда содир этган ҳуқуқбузарликлари бўйича 15.819 нафар ёки 5 миллиард 585 миллион 272 миң 635 сўм жарималар ундирилди. Бирининг Тошкент шаҳар иш юритувидаги ижро ҳуж-

жатлари бўйича пойтахтнинг 20 та марказий қўчаларида ИХХБнинг патруль хизмат автомабилларида ўрнатилган автоматик мослама ёрдамида 30 кунда 14.214 та қоидабузарлардан 4 миллиард 656 миллион 064 миң 202 сўм жарималар ундирилган. Олиб борилган тарғибот тадбирлари натижасида эса 1 млрд. 633 миллион 341 миң 533 сўм жарималар ундирилган бу билан 6.801 та қоидабузарлар аниқланган.

Шунингдек, 54 та автотранспорт воситалари эса жарима майдончаларига жойлаштирилди. Шундан Бирининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан қидирувда бўлган 15 та автотранспорт воситаси аниқлангани ҳам таъкидлаш жоиз.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш оқибатида келиб чиққан ҳуқуқбузарликлар учун ўз вақтида эътиборсизлик натижасида тўланмаган жарималар энди шу тартибда мажбурий ундирилади, акс ҳолда автотранспорт воситаси жарима майдончасига қўйилишига олиб келади.

Элдор САҒАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим катта инспектори

ПОРА ТАКЛИФ ҚИЛГАН "БОЗОРҚЎМ"

"Отанг бозор, онанг бозор", дейди халқимиз. Бозорнинг ўзига хос қонуниятлари бор.

Пойтахт бозорларидан бирида одам гажум. Сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти ходимлари вилоятлардан келтириб сотиладиган арзонлаштирилган гўшт махсулотларининг ҳақиқий миқдори ва кунлик патта тушуми миқдорини назорат остига олдилар.

Натижа ҳақиқий ахволдан бошқача кўринди. Бу эса бозор директори Озод Луфтуллаевга (исм-шарифлар ўзгаририлган) ёқмади. "Тегишувчиларнинг оғзини мойлашга бўлмайди, шекилли. Департамент бошлиғи аниқ келган, хар кунги тирикчиликдан тушадиган пулдан озроғини атаса бўлди-да, текширув қамаяди. Лекин қандай қилиб, унинг тилини топсам экан-а?"

Бозорқўм ҳар хил йўллар билан Департамент бошлиғига пора беришга уринди. Департамент бошлиғи бу ҳақда бошқармани огоҳ этди. Тезкор тадбир ўтказиш режаси тузилди. 2018 йил сентябрь ойининг учинчи ҳафтасида бозорқўм департамент бошлиғини тушликка таклиф этди. Гаплашиб олиши зарурлигини уқтирди.

Келишилган пайта улар кафега киришди. Бозорқўм департамент бошлиғига биргина гўшт ва туҳумдан фалон миқдорда фойда олишини,

агар текширувларни тўхтатса ойига фалон миқдорда доллар бериб туришини ваъда қилди.

Гапнинг исботи сифатида сентябрь ойининг биринчи ўн кунлиги ҳисобидан 550 АҚШ доллари олиб келганлиги ва шуни бериб қўймоқчилигини айтди. Бошлиқдан барсеткасини сўради, унга қанчадир доллар солиб қўйди. Департамент бошлиғининг ишорасидан сўнг тезкор гуруҳ кириб келди ва бозорқўмнинг қўлига кишан солди.

Бозорқўм судда ўз қилмишидан пушаймон бўлди.

Судланувчининг жиноий ҳаракатлари ЖҚнинг 211-моддаси 1-қисми, яъни давлат органи мансабдор шахсига пора бериш билан малакаланди.

О.Луфтуллаевга ЖҚнинг юқорида эълон қилинган моддаси ҳамда 45-моддани қўллаган ҳолда 1 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 69 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Э.АЗИМОВ,

Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Яшнобод тумани бўлим бошлиғи ўринбосари

БАҲОРГИ АЛЛЕРГИЯ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА ДАВОСИ

Баҳор фасли кириб келиши билан аллергияга мойиллиги бўлган кишилар бироз хавотирга туша бошлашади. Чунки баҳор фасли билан бирга ушбу дард мавсуми ҳам бошланади, десак муболага бўлмас. Бугунги мавсумимиз баҳорги аллергия касаллигига бағишланади. Баҳорги аллергияга нималар сабаб бўлади?

Баҳорги аллергияни дараклар, ҳайвонлар қўзғатади. Кўпчиликда тоза ҳавода юрганида эмас, айнан уйга кирганида аллергия кўзгаёқди. Баҳорда авж оладиган вирусли касалликлар ҳам аллергия қўзғалиши учун асос бўла олади. Касалликка чалинган одамларда аллергия бошланган бўлса-да, ушбу касаллик вақтида юзга чиқмайди.

Шунингдек, айрим махсулотлар ҳам аллергияга сабаб бўлади. Масалан: ёнғоқ, туҳум, ширинликлар, киви, ананас, помидор, қовун, тарвуз, шоколад, малина, кулупнай, наъматак ва бошқалар. Шунингдек, қўйидагилар ҳам аллергияга олиб келади: уй чанги, кутубхонадаги чанг, юмшоқ мебель ясаш учун мўлжалланган материаллар чанги ва бошқалар қиради. Пар ёстиқ ва кўрпалар, мўйил пўстин, куртқалар, ҳайвон терисидан тикилган кийим ва кўлоқлардан фойдаланиш ҳам баъзан аллергияга олиб келади. Аллергияга мойиллик касалликми? Шу ўринда аллергияга мойиллик, асосан, ирсиятга боғлиқ бўлишини айтиш жоиз. Аллергияга мойиллик ўғил болаларга кўпроқ она томондан, қиз болаларга эса кўпроқ ота томондан ўтади. Оғир аллергия ирсият бронхит астма, полиноз ва бошқа аллергия касалликлар билан оғирган

болаларнинг 50-80 фоизда кузатилади. Баъзиларда озик-овқат махсулотлари (мош, нўхат, ёнғоқ, туҳум, помидор, от гўшти, тропик ва субтропик мевалар), бошқаларда эса куруқ ёки нам об-ҳавога, шунингдек, ҳидларга, мисол учун бензин, бўёқ, керосин, ёқилган ҳазонинг хидига ҳам мойиллик бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, айни баҳор ойларида, аксарият инсонлар дараклар гуллаши билан аллергия бошлангани ҳақида айтиб қолишади. Аллергияга мойиллик келтириб чиқарадиган омиллар нималардан иборат? Ҳомилдорлик ва туғруқнинг патологик кечиши, гўдакнинг она сутидан маҳрум этилиб, сунъий озуқага ўтказилиши, катталар овқатланиш тартибининг бузилиши (овқатни вақтида тановул қилмаслик, бирон-бир махсулотни суистеъмол қилиш), бошдан ўтказган касалликлар, иклимга хос жиҳатлар ва экологик шароитлар.

Одамларда аллергия турли кўринишларда келиб чиқиши мумкин. Аллергия кўринишларига ҳазм, нафас, тери аллергияларини киритиш мумкин.

Аллергия белгилари нималардан иборат?

Аллергия жараёни бошланганда қуйидаги белгилар кузатилади: бурун битиши (бурундан томчилаб сув келиши), кўзларнинг қизариши, кучли йўтал, томоқнинг қуриши, аксиритиш, қулоқларнинг қичишиши, аллергиянинг бошқа касалликлардан ажратиш мумкин бўлган энг катта фарқи шундаки, юқоридаги аломатлар тумов аломатларига ўхшаб кетса-да, улардан фарқи равишда аллергия бошланган киши-

нинг тана ҳарорати кўтарилмайди. Ҳеч қачон аллергияда иситма кузатилмайди. Агар юқоридаги ҳолат 3-4 кун давом этиб, кейинроқ тана ҳарорати кўтарилса, бу аллергия жараёнига бирон-бир инфекциянинг қўшилганидан далолат беради.

Фойдали маслаҳатлар

- * Аллергияси бор бўлган инсонлар туқли мевалар (масалан: наъматак), уй ҳайвонлари, косметика, турли зирavor воситалар хидлари, уй чанглари, жун ва пахта чангидан эҳтиёт бўлишлари лозим.
- * Уй чанги ёки бошқа маиший аллергияларга бўлган таъсирчанликда пар кўрпа-ёстиқлардан воз кечиш, уйни ҳар кун нам латтада артиб тозалаш.
- * Китобларни фақат ёпиқ жавонларда сақлаш.
- * Мебелни ҳар кун нам латтада артиш.
- * Уйдаги ҳайвонлар, паррандалар, уй ўсимликлари, аквариум баблиқларидан воз кечиш.
- * Хонанинг ёруғ, тоза ва илиқ бўлиши.
- * Дори воситаларидан юзга келган аллергияга реакция берган дорини қабул қилишни тўхтатиш керак.

Даволаш усуллари

- * Бронхлар эпизми, ишиш ва бронхлардаги безлар фаолиятини тўхтатадиган дори воситалар.
- * Антигистамин дорилар-аллерджи, аллеркапс ва бошқа дорилар.
- * Гормонал воситалар (кортикостероидлар).
- * Махсус аллергияга қарши воситалар берилади.
- * Айрим ҳолларда димедрол эритмаси билан электрофорез ўтказилади.
- * Оғир ҳолларда гормонлар бурилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г-3 46

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2343 нусxada босилди.
Қозғ бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида теринди ва сақлаланди.

Босишга топширилди: 15:40

«Шарф» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ